

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг Ёш мутахассисларни танлаш ДАСТУРИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти томонидан (кейинги уринларда – Жамият) “Ёш мутахассисларни танлаш” дастури (кейинги ўринларда – Дастур) Олий ва профессионал таълим муассасаларининг (кейинги ўринларда – ОТМ ва ПТМ) битирувчи курсида ўқиётган қобилиятли ёшларни саралаб олиш, уларнинг стажировкасини ташкил этиш ва кейинчалик заҳирага киритиш бўйича комплекс чора- тадбирларни назарда тутади.

Дастур мақсади – Жамият тизимида энг муносиб кадрларни танлаш ва истиқболли кадрларни тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш ҳамда ОТМ ва ПТМ битирувчиларини Жамият корхоналарига жалб қилиш самарадорлигини оширишдан иборат.

Дастур вазифалари: олий ва профессионал таълим муассасалари ҳамда давлат хизмати ўртасида интеграцияни йўлга қўйиш;

энг салоҳиятли ва билимли битирувчиларни селекция қилиш;

номзодларни Жамият ва тасарруфдаги корхоналарга стажировка ўташ учун йўналтириш ҳамда “Устоз-шогирд” тизими асосида тажрибали устозларга бириттириш;

стажировкани муваффақиятли якунлаган битирувчиларни танлов (тест, сұхбат) асосида ишга қабул қилиш.

1-боб. У мумий коидалар

Ушбу Дастурда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

олий таълим муассасаси – бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисларни бўйича юқори малакали кадрлар тайёрланишини таъминловчи давлат таълим муассасаси;

профессионал таълим муассасаси – Халқаро таснифлагичнинг 5-даражасига мос келувчи ва олий таълим тизими билан интеграциялашган таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасаси;

битирувчи – ОТМ ва ПТМ кундузги таълим шаклининг битирув курс талабалари ва ўқувчилари;

Жамият ва тасарруфдаги корхоналарда стажировка ўташ – ёш мутахассисларни давлат хизматига тайёрлаш, касбий фаолият маъсулитини хис этиш ва тажрибали мутахассисларнинг иш фаолиятини ўрганиш орқали ОТМ ва ПТМда олган назарий билимларини амалий мустаҳкамлаш жараёни;

малака талаблари – маълум бир лавозимга стажёр бўлиш учун номзодларга нисбатан Жамият томонидан белгиланадиган тегишли маълумот, шунингдек, билим ва касбий компетенциясига қўйилган талаблар;

стажировка раҳбари – Жамият ва тасарруфдаги корхоналарда стажировка жараёнини мувофиқлаштириш масъулияти юклangan раҳбар ходим;

устоз – стажировка ўтаётган битирувчиларга Жамият фаолиятида “устоз-шогирд” тизими асосида зарур ташкилий кўрсатмалар берувчи, уларни техник хавфсизлик қоидалари билан таниширувчи, амалий кўнникма ва малакаларни ўргатувчи, стажировка даврида талаба (ўқувчи) эгаллаган кўнникмаларни баҳолаш юклangan тажрибали ходим;

шахсий ривожланиш режаси – битирувчининг Жамият ва тасарруfдаги корхоналарда стажировка давомида ўзлаштириши лозим бўлган билим ва кўнникмалар муддатлар кесимида акс эттириладиган хужжат;

кадрлар заҳираси – Жамият ва тасарруfдаги корхоналардаги лавозимларни салоҳиятли, ёш кадрлар билан тўлдирилишини таъминлайдиган, юқори малакали мутахассислар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар базаси.

2-боб. Танлов ўтказиш тартиби

“Ёш мутахассисларни танлаш дастури” 1-иловадаги дастурни амалга ошириш схемаси бўйича тегишли босқичларда ва белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Жамият ва тасарруфдаги корхоналарнинг расмий саҳифаларида “Ёш мутахассисларни танлаш дастури” бўйича стажировка танлови ҳақида эълон берилади ва таргибот ташвиқот ишлари амалга оширилади.

Номзодлардан стажировка танловида иштирок этиш учун аризалар онлайн шаклда қабул қилинади.

Техник талабларга мувофиқ ариза эгаларига саралаш босқичида иштирок этишга йўлланма юборилади.

Номзодлар Ўзбекистан Республикасининг Конституцияси, давлат фуқаролик хизмати ва коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонунчилик, давлат тили, ахборот технологиялари бўйича билим даражасини аниқлаш учун маҳсус тест синовидан ўтадилар.

Тест синовлари базаси Жамият буюртмасига биноан Тошкент темир йўл техникуми ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказининг Малакаларни баҳолаш бўлими томонидан ишлаб чиқилади.

Тест босқичи Тошкент темир йўл техникуми ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказининг маҳсус компьютер хонасида ҳамда ҳудудлардаги корхоналарнинг техник ўқув машғулот хонарида ўтказилади. Танлов жараёнлари Персонални бошқариш ва кадрларни тайёрлаш бошқармаси томонидан мувофиқлаштирилади.

Тест босқичидан муваффақиятли ўтган номзодлар (71 фоиздан юқори) Жамият бўйича тузилган маҳсус комиссия томонидан сұхбатдан ўтказилади.

Номзодлар кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ жадвал бўйича баҳоланади. Баҳолаш натижаларига кўра, синовлардан муваффақиятли ўтган номзодларни стажировкага қабул қилиш ҳақида Жамият бўйича буйруқ чиқарилади.

Стажировка жараёнини намунали якунлаган ёш мутахассислар Жамиятнинг кадрлар заҳирасига киритилади.

3-боб. Стажировкани ташкил этиш қоидалари

Стажировка танловлардан муваффақиятли ўтган битирувчи билан 3-иловага мувофиқ тузиладиган стажировка шартномаси асосида ташкил қилинади.

Мазур шартномада стажировкани ташкил этиш ва ўтказиш бўйича шартнома предмети, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, Жамият ва тасарруфдаги корхоналарнинг иш фаолияти хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда стажировкани ўташ тартиби, шартноманинг амал қилиш муддати ва бекор қилиш асослари, шунингдек, тарафларнинг жавобгарлигига оид нормалар назарда тутилади.

Стажировка уч ойдан кам бўлмаган ҳамда бир йилдан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилиши лозим.

Персонални бошқариш ва кадрларни тайёрлаш бошқармаси Ёш мутахассисларни танлаш дастурини амалга ошириш жараёнларини мувофиқлаштиради. Стажировкани ташкил этишнинг зарур ташкилий-ҳуқуқий чораларини кўради, хусусан:

Жамият бошқарув кенгашига намунавий дастур ва илова ҳужжатларни тақдим этади;

намунавий дастур асосида ўз дастурларини ишлаб чикиши ва танлов эълон қилинишини назорат қилади;

танлов жараёнларини белгиланган мезонлар асосида шаффоф ва адолатли ўтишини таъминлайди;

стажировкага жалб қилинган талаба (үқувчи)лар маълумотларини умумлаштиради;

стажировка якунлари бўйича ҳисобот (тақдимот) жараёнларида иштирок этади;

дастурни амалга ошириш схемаси бўйича барча босқичлардаги чоратадбирларни мувофиқлаштиради;

стажировка ўташда ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш юзасидан мониторингни амалга оширади;

стажировка якунлари бўйича Жамият ва тасарруфдаги корхоналарнинг ҳисобот ва таклифларини умумлаштиради.

Персонални бошқариш ва кадрларни тайёрлаш бошқармаси стажировкани ташкил этишнинг зарур ташкилий-хуқуқий чораларини кўради, хусусан:

синов жараёнларини адолатли ва шаффофф тарзда ташкил этади;

малакали ва тажрибали мутахассислар орасидан стажёр билан ишлаш кўнижмасига эга бўлган стажировка раҳбари ва устозни тайинлади;

битирувчиларни стажировка даврида ўз ходими сифатида фаолият олиб бориши учун Жамият буйруғи лойиҳасини тайёрлайди;

стажировка дастурига мувофиқ битирувчиларга жорий қилинадиган шартшароитлар (шахсий ҳимоя, моддий-техника воситалари бошқалар)ни яратади;

стажёрларга мавжуд адабиётлар, техник ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятларини беради;

ташкилотнинг ички меҳнат интизомини бузган стажёр билан тузилган стажировка шартномасини белгиланган тартибда бекор қиласди;

битирувчи стажировкани ўташ даврида баҳтсиз ҳодисага учраган ҳолатлар бўйича жавобгарлик масалаларини қонунчилик ҳужжатлари асосида кўриб чиқади;

Жамият бўйича Персонални бошқариш ва кадрларни тайёрлаш бошқармаси, тасарруфдаги корхоналарда ходимлар бўлими бошлиқлари стажировка ўтаётган барча битирувчиларга раҳбарлик қиласди.

Уларнинг вазифалари: Жамиятнинг таркибий тузилмалари ва худудий бўлимлари бўйича талаба (үқувчи)ларни тақсимлайди, обьектнинг тузилиши, фаолият йўналишлари ва ўзига хос хусусиятлари билан таништиради;

стажёр билан стажировка ўташ шартномасини имзолайди;

стажёрлар билан Жамият ва/ёки таркибий корхоналар раҳбарияти ва етакчи ходимларнинг учрашувини ташкил этади.

Устоз сифатида соҳада камида уч йиллик тажрибага эга, меҳнат жамоасида обру-эътиборли ходим “устоз- шогирд” тизими асосида кўпи билан икки нафар битирувчига бириктирилиши мумкин.

Унинг вазифалари:

стажёрларга иш фаолияти ва техника хавфсизлиги бўйича тушунтириш, шунингдек, Жамият ва/ёки тасарруфдаги корхонанинг ички тартиб қоидалари ва иш режимининг хусусиятлари бўйича йўл-йўриқ кўрсатади;

стажировка дастурига тегишли материаллардан фойдаланиш тартиб қоидаларини ўргатади;

стажёр иш кунининг белгиланган давомийлигига ва стажёрнинг шахсий иш режасига риоя этилишини назорат қиласди;

стажёр Жамият ва/ёки тасарруфдаги корхоналарда стажировка ўташда;

стажировка бўйича услубий ва кўрсатма материаллар билан танишиши;

стажировка шартномаси билан юклатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш;

стажёрнинг шахсий иш-режасида назарда тутилган барча топшириқларни белгиланган муддатларда, тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажариши;

стажировка ўташ тўғрисидаги ҳисоботни ўз вақтида тақдим қилиши;

фаолиятида фойдаланиши мумкин бўлган материаллар тўпламини шакллантириши;

Жамият ва/ёки тасарруфдаги корхонанинг ички меҳнат тартиб қоидалари ва ходимлар фаолиятининг тартибини белгиловчи ҳужжатларга риоя қилиши шарт.

4-боб. Стажировкани ўташ тартиби

Стажировка уч босқичга бўлинади:

тайёрлов;

асосий;

ҳисоботларни топшириш ва баҳолаш.

Стажировка тайёрлов босқичининг биринчи кунида стажировка раҳбари томонидан йиғилиш ўтказилади.

Йиғилишда талабалар стажировкани ўташ дастури билан танишадилар, унинг мақсад ва вазифаларига тааллуқли кўрсатмалар, стажировкани ўташ ва 4-иловадаги ҳисобот шаклини тўлдириш тартиби ҳақида хабардор қилинадилар.

Стажировка ўташнинг бошида талаба (ўқувчи)лар Жамият ва/ёки тасарруфдаги корхонанинг тузилиши, фаолият йўналишлари, ўзига хослиги билан танишадилар ҳамда стажировка раҳбари ва биринтирилган устоз билан биргаликда стажировкани ўташ дастурини бажариш бўйича 5-иловага мувофиқ шахсий иш режа жадвалини тузадилар.

Стажировканинг асосий босқичида битирувчи бевосита стажировкани ўташ дастурини бажариш бўйича Шахсий иш режада кўрсатиб ўтилган ишларни бажаради. Стажировка якунлари бўйича ҳисоботни топшириш сўнги босқич ҳисобланади.

Белгиланган тартибдаги ҳисобот-тақдимот стажировка раҳбари, устоз ва ходимлар бўлимидан тайинланган вакил томонидан баҳоланиб тасдиқланади.

Стажировкани муваффақиятли якунлаган битирувчилар Жамият томонидан 6-илова асосида тасдиқланган сертификат билан тақдирланади.

Мазкур сертификат асосида битирувчиларни Жамият ва/ёки тасарруфдаги корхоналарга ишга қабул қилишда имтиёз назарда тутилади.

5-боб. Жамият бошқармаларига ишга қабул қилиш

Жамият томонидан халқаро таснифлагичнинг олтинчи даражаси (мутахассис) вакант штат бирликларининг ўн фоиздан кам бўлмаган миқдорда ёш мутахассислар учун лавозимлар рўйхатини шакллантиради.

Рўйхатдаги лавозимлар учун битирувчиларга алоҳида малака талаблари ишлаб чиқлади.

Дастур асосида стажировкани муваффақиятли тамомлаган, сертификатга эга битирувчилар Махсус комиссия томонидан ўтказиладиган сухбат асосида ишга қабул қилинади.

Дастур бўйича стажировка ўтаётган битирувчиларга Жамият томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробаридан уч баробаригача миқдорда стипендиялар берилиши мумкин.

7-боб. Якунловчи қоидалар

Мазкур Дастур бўйича юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**Ёш мутахассисларни танлаш дастурини амалга ошириш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар	Масъул ижочилар
1-босқич	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ	Жамият бошқармаларининг штат бирликларининг ўн фоиздан кам бўлмаган миқдорда стажёрларни жалб қилиш учун зарур шарт-шароитлар (моддий техника)ни яратиш	Октябрь	НОК, НН, НФ, УДН
2-босқич	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, тасарруфдаги корхоналар, олий ва профессионал таълим муассасалари	Дастур доирасида ҳамкорлик қилинадиган олий таълим муассасалари рўйхатини шакллантириш ҳамда улар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.	Октябрь	НОК, тасарруфдаги корхоналар
3-босқич	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Персонални бошқариш ва кадрларни тайёрлаш бошқармаси, Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонунчилик, давлат тили, АҚТ ва тегишли соҳа бўйича тест саволлар базасини яратиш.	Октябрь	НОК, Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази, комплаенс назорат бошқармаси
4-босқич	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Логистикани ривожлантириш ва рақамлаштириш бош бошқармаси, Ахборот таҳлилий медиа маркази	Расмий веб-сайт ва ижтимоий тармоқларда “Ёш мутахассисларни танлаш дастури” бўйича танлов эълон қилиш ҳамда олий таълим муассасаларида тарғиботини ташкил қилиш.	Ноябрь	НОК
5-босқич	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, тасарруфдаги корхоналар	“Ёш мутахассисларни танлаш дастури” бўйича эълон қилинган танлов бўйича келиб тушган ҳужжатларни ҳужжатларни қабул қилиш.	Ноябрь	НОК, тасарруфдаги корхоналар ходимлар бўлими бошликлари
6-босқич	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Персонални бошқариш ва кадрларни тайёрлаш бошқармаси, Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази	Номзодларнинг билим даражасини аниқлаш учун тест синовидан ўtkазиш	Ноябрь	НОК, Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар	Масъул ижочилар
7-босқич	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, тасарруфдаги корхоналар	Тест босқичидан муваффақиятли (71 фоиздан юқори) ўтган битирувчиларни Жамият ва тасарруфдаги корхоналарда ташкил этилган маҳсус комиссия томонидан сұхбатдан ўтказиш.	Декабрь	НОК, тасарруфдаги корхоналар ходимлар бўлими бошлиқлари
8-босқич	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, тасарруфдаги корхоналар	Сұхбатдан муваффақиятли ўтган номзодларни стажировкага жалб этиш, устоз бириклиши, стажировка ўташ шартномаси ва шахсий ривожланиш режасини имзолаш.	Декабрь	НОК, тасарруфдаги корхоналар ходимлар бўлими бошлиқлари
9-босқич	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, тасарруфдаги корхоналар	Бириклилган устоз томонидан стажёр фаолиятини кузатиб бориш асосида унинг билим, кўникумга ва амалий тажрибаси ошишига кўмаклашиш.	Декабрь-июнь	Тегишли бошқармалар, тасарруфдаги корхоналар ходимлар бўлими бошлиқлари
10-босқич	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, тасарруфдаги корхоналар	Стажировка якуни бўйича стажёр тақдимотини баҳолаш ва муваффақиятли тамомлаган стажёrlарга сертификатлар тақдим этиш.	Август	НОК, тасарруфдаги корхоналар ходимлар бўлими бошлиқлари
11-босқич	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, тасарруфдаги корхоналар	Сертификатга эга битирувчилар орасидан танлов (сұхбат) асосида ишга қабул қилиш.	Август	НОК, тасарруфдаги корхоналар
12-босқич	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, тасарруфдаги корхоналар	Стажировка якунлари ва ишга қабул қилиш натижалари бўйича “Ёш мутахасисларни танлаш дастури”ни такомиллаштириш юзасидан хulosса ва таклифларни шакллантириш.	Сентябрь	Маҳсус комиссия аъзолари, НОК, тасарруфдаги корхоналар ходимлар бўлими бошлиқлари

2-илова

**“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ва тасарруфдаги корхоналарда ёш мутахассисларни танлаш дастури
бўйича номзодлар кўрсаткичларини баҳолаш
ЖАДВАЛИ (намуна)**

Т.р.	Ф.И.Ш.	Олий таълим муассасаси	Таълим йўналиши	Курси	Рейтинг баҳоси (20 балл)	Тест (40 балл)	Суҳбат (30 балл)	Тил сертификатига эгалик (10 балл)	Жами
1.		Тошкент давлат транспорт университети	Транспорт иншоотлари эксплуатацияси (темир йўл бўйича)	4	17,4	25	25	10	77,4
2.

Изоҳ:

Рейтинг баҳоси сўнги семестр натижаларига кўра фанлардан олинган баҳолари 20 баллдан фоиз олиш билан ҳисобланади.
(масалан, ўртача рейтинг кўрсаткичи 87 бўлса, $20 \times 0,87 = 17,4$ балл).

Стажировка ўташ тұғрисида ШАРТНОМА

Тошкент шаҳри

“___” 2022 йил

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти номидан _____
 _____ (кейинги ўринларда “Жамият” деб аталади) бир томондан ва
 фуқаро (паспорт серияси ва рақами, ким томонидан йилда берилган) (кейинги
 ўринларда “Стажёр” деб аталади) иккинчи томондан, Жамият ҳамда тасарруфдаги
 корхоналарда ёш мутахассиснинг стажировка ўташига доир мазкур шартномани
 тушиб имзоладилар.

“Стажёр” “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида (ёки
 тасарруфдаги корхонада) _____ вазифаларни бажаради.

Тарафлар ўртасидаги муносабатларга Жамият бўйича 2022 йил “___”
 октябрда имзоланган _____-сон буйруқ талаблари татбиқ этилади.

“Стажёр”нинг мажбуриятлари:

стажировка бўйича услубий ва кўрсатма материаллар билан танишиш;
 стажировкани ташкил этиш ва ундан ўтиш билан боғлиқ тадбирларда иштирок
 этиш;

стажировкадан ўтиш дастурида назарда тутилган барча тадбирларни
 стажировка учун белгиланган муддат ичida тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажариш;

стажировка ўтash тұғрисидаги ҳисоботни тақдим қилиш;
 фаолиятида фойдаланиши мумкин бўлган материаллар тўпламини
 шакллантириш;

Жамият ва/ёки тасарруфтаги корхонанинг ички меҳнат тартиб қоидалари ва
 ходимлар фаолиятининг тартибини белгиловчи ҳужжатларга риоя қилиш;

мазкур шартноманинг 1-бандида белгиланган вазифаларни бажарганлиги
 тұғрисида ҳар ой якуни бўйича далолатномани тақдим этиш.

Жамият ва/ёки тасарруфтаги корхонанинг ушбу шартномадан келиб чиқадиган
 бошқа топшириқларини ҳам бажаради.

Жамият ва/ёки тасарруфтаги корхонанинг мажбуриятлари:

мазкур шартнома шартларига, шунингдек, фуқаролик қонунчилик нормалари
 ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш;

стажёровка жараёнларини адолатли ва шаффоф тарзда ташкил этиш;

малакали ва тажрибали мутахассислар орасидан стажёр билан ишлаш
 кўнижмасига эга бўлган стажировка раҳбари ва устозни тайинлаш;

стажёрлар учун иш жойи ва стажировка даврида фойдаланиш учун зарурый
 материаллар (шахсий ҳимоя, моддий-техника воситалари ва бошқалар)
 ажратилишини ташкил этиш;

стажёрларга мавжуд адабиётлар, техник ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланиш
 имкониятларини яратиш;

ички имкониятлардан келиб чиқиб стажёрнинг фаолияти натижадорлигига
 асосан унга ойлик маош тулаш;

ҳар ой якуни бўйича “Стажёр” томонидан тақдим этилган бажарилган ишлар
 ҳақидаги далолатномани ўрганиш. “Стажёр” томонидан бажарилган ишлар
 тасдиқланганда стажёрга ушбу шартномада белгиланган миқдорда ҳақ тўлаш.

Томонларнинг келишувига асосан “Стажёр” томонидан бажарилган иш ҳажми
 учун ҳар ой (_____) сўм тўлов тўланади. Бунда жисмоний шахслардан олинадиган
 даромад солиги ушбу суммадан ушлаб қолинади ва солиқ органларига ўтказилади.

“Стажёр” томонидан ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 3-санасига қадар
 бажарилган ишлар ҳисоботи (далолатномаси) тақдим этилади.

Жамият ва/ёки тасарруфтаги корхонага ушбу ишлар ҳисоботи далолатномасини қабул қилган пайтдан бошлаб З иш куни давомида текшириб, тақдим этилган маълумотларнинг ҳақиқатда бажарилган тақдирда далолатномани имзолайди ва З иш куни давомида мазкур шартноманинг 5-бандида назарда тутилган миқдорда “Стажёр”га ҳақ тўлайди.

Бунда, ушбу тўлов “Стажёр” томонидан тақдим этилган бажарилган ишлар далолатномасига асосан ойда икки марта амалга оширилиши мумкин.

Томонларнинг ўзаро келишувига кўра мазкур шартнома шартларига киритиладиган барча қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма шаклда амалга оширилади.

Ушбу шартнома 2022 йил “___” _____дан бошлаб кучга киради ва 2022 йил “___” _____га қадар амал қиласди.

Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига асосан ёки бир тарафнинг истаги асосида иккинчи тарафни камида 15 кун олдин огоҳлантирган ҳолда бекор қилиниши мумкин.

“КОРХОНА”

(корхона (ташкilot) номи)

(юридик манзили)

(Банк реквизитлари)

Тел.: _____

(раҳбарнинг ФИШ)

“___” _____ 202__й.
(имзо, мухр)

“СТАЖЁР”

(Фамилияси, исми, отасининг исми)

Паспорт серияси _____
(берилган вақти)

(ким томонидан берилган)
Аниқ яшаш манзили: _____

Тел.: _____

Имзо:
“___” _____ 202__й.

Стажёр _____ нинг
 “Ёш мутахассисларни танлаш дастури” доирасида “Ўзбекистон темир
 йўллари” акциядорлик жамияти ва/ёки тасарруфдаги корхоналарда
 стажировка давомида бажарилган ишлар юзасидан
ХИСОБОТ

Т.р.	Чора-тарбир номи	Бажарилган ишнинг мазмуни
1.		
2.		
3.		
4.		

Стажёр _____

Устоз _____

Стажировка раҳбари _____

Стажёрнинг намунавий шахсий иш режаси

Т.р	Ишнинг номи	Стажировканинг ойлик режаси								Бажарилганлиги тўғрисида изоҳ
		1	2	3	4	5	6	7	8	
1.	Ташкилот (бошқарма, марказ, дирекция, корхона, муассаса) объектининг тузилиши, фаолият йўналишлари ва ўзига хос хусусиятлари билан танишиш.									
2.	Ташкилот (бошқарма, марказ, дирекция, корхона, муассаса) таркибидаги биринчирилган бўлим (цех) фаолиятини ўрганиш, унинг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиш ва ишлаш.									
3.	Стажировка бўйича услугубий ва кўрсатма материаллар билан танишиш.									
4.	Фаолиятида фойдаланиши мумкин бўлган материаллар тўпламини шакллантириш.									
5.	Жамият томонидан амалга ошириладиган лойиҳа, тадбирларда иштирок этиш ва маълумотларни умумлаштириб бориш.									
6.	Жамият томонидан фуқароларни мурожаатларини кўриб чиқилиши ва таҳлил қилиб борилиши билан танишиш.									
7.	Статистик ва бошқа маълумотларни умумлаштириш асосида таҳлилий маълумотлар тайёрлаш, чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш.									
8.	Стажировка давомида тўпланган маълумотлар ва ўрганилган ишлар юзасидан ҳисобот тайёрлаш ва стажировка раҳбарига тақдимот қилиш.									

SERTIFIKAT



“O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI” AKSIYADORLIK JAMIyatIDA
“Yosh mutaxassislarni tanlash dasturi”ni 20__/20__ o'quv yilida
muvaffaqiyatli tamomladi.

Sertifikat “O'zbekiston temir yo'llari” aksiyadorlik jamiatining
“___” ____ 20__-yildagi _____-sonli buyrug'iga
muvofiq berildi.

X.N.XASIROV

M.O:

No _____

20__-yil